

Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ва Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси  
Республика Кенгаши Раёсатининг қўшма  
**ҚАРОРИ**

Тошкент ш.

2020 йил « 4 » сарвар  
№ 1

2020 йил « 4 » сарвар  
№ 14-26 ич<sup>4</sup>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасидаги ижтимоий-иктисодий масалаларга оид Бош Келишуви, Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодекси ҳамда Ижтимоий шериклик тўғрисидаги Қонунга амал қилиб, ижтимоий шерикчилик тамойилларини, ишчиларнинг ҳуқуqlари ва манфаатлари ҳимоясини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ҳамда Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги тизимидағи корхона ва ташкилотлари ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий йўналишлари, ходимларни меҳнат ва дам олиш шароитлари, уларга тақдим этиладиган ижтимоий имтиёз ва кафолатлар тўғрисидаги 2020-2022 йиллар учун тармоқ Келишуви ижро учун қабул қилинсин.

2. Келишувни Иш берувчилар номидан имзолаш Ўзбекистон Республикаси транспорт Вазири А.Ж.Раматов ва меҳнат жамоалари номидан касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси А.К.Нугмановга топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги таркибига кирувчи барча корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва касаба уюшма қўмитаси раисларига Келишув билан ўрнатилган икки томонлама мажбуриятларни жамоа шартномаларига киритиш ва уларни бажариш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур Келишув бажарилиши устидан назорати Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ҳамда Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган икки томонлама комиссиясига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Транспорт вазири

Ўзбекистон транспорт, йўл ва  
капитал қурилиши, қурилиши  
индустрияси ходимлари касаба  
уюшмаси Республика Кенгаши раиси



А.Ж.Раматов

А.К.Нугманов

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳамда ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси  
Республика Кенгаши ўртасида 2020-2022 йиллар учун  
**ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ**

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги (бундан буён “Иш берувчи”) ҳамда ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши (бундан буён “Касаба уюшмаси”):

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига амал қилиб;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг стратегик қўрсатмаларини ижро учун қабул қилиб;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат Кодекси, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иктисодий масалалар бўйича имзоланган Бош Келишувига амал қилиб;

Ходимларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини, мустақил Ўзбекистон манфаатларини биринчи ўринга кўйиб;

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмасини ходимларининг ягона вакиллигини тан олиб;

Ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари ва ижтимоий-иктисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаб туриш ишларида амалий ҳамкорликни йўлга кўйиш учун ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошира бориб;

Ижтимоий-иктисодий масалалар хусусида келишиб сиёsat олиб боришининг умумий принципларини белгилаб берувчи мазкур Тармоқ Келишувини туздилар ва ўз зиммаларига қуидаги йўналишлар бўйича мажбуриятлар олдилар:

### I. “Иш берувчи”нинг мажбуриятлари

#### Ишлаб чиқариш фаолияти соҳасида:

1. Транспортнинг барча турларини ягона транспорт тармоғига интеграциялашуви ва янги самарали транспорт-логистика тизимларидан фойдаланган ҳолда уйғунликда ривожлантиришга йўналтирилган ягона давлат транспорт сиёsatини ишлаб чиқиши;

2. Транспорт ва логистика хизматлари бозорини ривожлантиришни рагбатлантириш, уларнинг барча тоифадаги истеъмолчилар учун оммабоплигини таъминлаш, шунингдек, соҳага инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган транспорт соҳасидаги ягона тариф сиёsatини амалга ошириш;

**3.** Халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш, логистика тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш, мамлакат транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик субъектларининг транспорт-логистика хизматларидан фойдаланишдаги сарф-харажатларини камайтириш;

**4.** Транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ва мамлакат инвестициявий жозибадорлигини ошириш;

**5.** Транспорт тизимини рақамлаштириш бўйича илгор ахборот технологияларини жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси Транспорт тизимининг бир-бирига болгандан ягона тизимини истиқболли ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

**6.** Транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги халқаро ва худудий ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига транспорт хизматлари жаҳон бозорида Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини таъминлаш;

**7.** Транспорт соҳасидаги жорий ва истиқболли эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда таълим, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илгор усулларини тизимли равишда жорий этиш.

#### **Бандликни таъминлаш соҳасида:**

Ходимларни иш билан таъминланганлик даражасини юқсалтиришни уз бурчи деб эътироф этган ҳолда янги иш ўринларини яратиш, кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш мақсадида:

**8.** Ходимларни меҳнат шартномалари ва малакасига биноан тўлиқ бандлигини таъминлайди.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчиси ташабbusи билан бекор қилинганда касаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розилигини олади ва бу қоидани жамоа шартномасида акс эттиради (Ўз.Р.МК 101-модда).

**9.** Меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилинганда:

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 103-моддасига асосан ходимлар штатини қисқартиришда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳукуққа эга ходимларни аниқлаб уларни розилиги асосида меҳнат фаолиятини бошқа тўғри келадиган лавозимда ишлаш имконини беради;

- ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ахборотни касаба уюшмаси қўмитасига камида икки ой олдин тақдим қиласди (Ўз.Р.МК 102-модда);

**10.** Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилинганда:

а) ўриндошлиқ        ва    вактингалик        ишлаётган        ходимларсонини қисқартириш;

б) Ўз.Р. МК 103-моддасига асосан ходимлар штатини қисқартиришда ишда колдириш учун имтиёзли ҳукукга эга ходимларни аниклаб, уларнинг розилиги асосида меҳнат фаолиятини бошка тўғри келадиган лавозимда ишлаш имконини бериш;

в) пенсия ёшига яқинлашиб қолган – аёллар 60 ва эркаклар 58 ёшга тўлган ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қиласликни ўз зиммасига олади.

**11.** Олий ва ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари, Қуролли кучлар сафида муддатли хизматни ўтаб қайтганлар ва ахолининг ижтимоий заиф қатламларининг бошка тоифалари ишга жойлаштирилишига хар томонлама кўмаклашиш ва таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, “Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунларига мувофиқ ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахсларни ишга жойлаштириш учун квоталаштирилган иш ўринларини яратади.

**12.** Ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида уларни тизимили равишда ўқитиш ва қайта ўқитилишини таъминлайди.

**13.** Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига 2009 йил 29 июлда 1990 сон билан рўйхатга олинган “Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши таъқиқланадиган ноқулай меҳнат шароитли ишлар рўйхати”, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган “Энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сон Конвенция ҳамда “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида”ги 182-сон Конвенциялари талаблари бажарилишини таъминлайди.

#### **Иш вақти ва дам олиш вақти соҳасида:**

**14.** Ходимларга иш вақти ва дам олиш вақти режимини Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик талаблари ва вазирликда касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган Ички меҳнат тартиби қоидаларига биноан белгилайди.

**15.** Иш вақтидан ташқари вақтларда ишга жалб қилишни фақат ходимнинг розилиги билан амалга оширилади.

**16.** Дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб этиш асосларини касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилади(Ўз.Р.МКнинг 130-моддаси).

**17.** Барча тоифадаги ходимларга олти кунлик иш ҳафтаси ҳисоби билан 18 иш кунидан иборат асосий меҳнат таътилини берилади.

**18.** Ходимларга биринчи никоҳдан ўтишларида, фарзандларининг никоҳдан ўтишларида, фарзанд тугилганда (отасига) ва яқин қариндошларини дафн этишларида иш ҳақи сақланадиган 3 кунлик қўшимча таътил берилади.

**19.** Зарур холларда ходимнинг илтимосига кўра ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш хафтасини белгилайди (Ўз.Р.МК 119-модда).

**20.** Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда ўқиб, ўкув режасини бажараётган ходимларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътил ва қисқартирилган иш хафтасини белгилайди (Ўз.Р.МК 249 модда).

**21.** Куйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади (Ўз.Р.МК 144-модда):

-ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий ҳизматни ўтаётган ҳарбий ҳизматчиларнинг хотинларига;

-1 ва 2 гуруҳ ногиронларига;

-1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзли бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;

-ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

-таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда ўқиётганларга.

**22.** Иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўлланиши юзасидан келиб чиқсан келишмовчиликларни ҳал этиш мақсадида икки тамонлама Якка меҳнат низолари комиссиясини тузади. Якка меҳнат низолари комиссияси Иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси томонидан тенглик асосида тузилади.

**23.** Нокулай меҳнат шароити ишларида банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг 36 соатдан ошмайдиган муддатини жамоа шартномасида белгилайди. (Ўз.Р.МК 117-модда).

**24.** Ходимга аризасига кўра (давомийлиги тўғрисида ўзаро келишилган бўлиб) иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилни беради, бунда ушбу таътилнинг муддати икки ҳафтадан кўп бўлган вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш хукукини берадиган меҳнат стажига қўшади. (Ўз.Р.МК 142-модда).

**25.** Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгилangan қўшимча дам олиш кунлари мунособати билан ходимларнинг йиллик асосий ва қўшимча таътиллари давомийлиги ўзгартирилиши хисобга олинади.

#### **Меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида:**

Ходимлар даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай юксалтириб бориш, уларни ижтимоий қўллаб қувватлашни кучайтириш, мазкур Келишувнинг амал қилиши даврида ходимларнинг реал иш ҳақининг барқарор ўсиб боришини таъминлаш мақсадида:

**26.** Ходимларга иш ҳақи ҳисоблашни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқлаган Ягона тариф сеткаси бўйича амалга оширади. Вазирликда иш ҳақи ҳисоблашда бошқа тариф сеткаси қўлланилаётган бўлса, унинг коэффициентлари Республикада ўрнатилган ягона тариф сеткаси коэффициентларидан кам бўлмаслиги ва касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилганлигини таъминлайди.

**27.** Вазирлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар органларини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамгармаси ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

**28.** Вазирлик, унинг ҳудудий ва идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, рағбатлантиришлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва бошқа тўловлардан иборат. Ходимларнинг лавозим маоши Ягона тариф сеткасининг тасдиқланган разрядлари бўйича белгиланади.

**29.** Вазирлик Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг лавозим маошларига, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтириладиган маблағлар микдори билан Вазирлик ва унинг таркибий бўлинмалари таъминоти учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар микдори ўртасида юзага келадиган тафовут ҳисобига 2 баробаргача ўсиб борувчи коэффициентни қўллашга ҳақли.

**30.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 336-сонли қарорига мувофиқ Вазирлик марказий аппарати ва идоравий мансуб ташкилотлари (давлат бошқаруви органлари) ходимларига Давлат бюджети ҳисобидан кўп йиллик меҳнати учун рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига белгиланган коэффициентларда қўйидаги ҳажмларда ҳар ойда қўшимча пул тўланади:

2 йилдан 5 йилгacha — 0,1; 5 йилдан 10 йилгacha — 0,2; 10 йилдан 15 йилгacha — 0,3; 15 йилдан ортиқ — 0,4.

**31.** Вазирлик ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларини қўшимча моддий рағбатлантириш, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамгармаси ҳисобидан иш ҳақи фондига нисбатан 200 фоизгача микдорда амалга оширилади.

**32.** Вазирлик ҳудудий бошқармалари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 9 январдаги ПҚ-2722-сон қарорининг 1-бандида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари тадбиқ этилади.

**33.** Бошқарув аппарати ходимлари сонининг қисқартирилиши ва бўш иш ўринларининг мавжудлиги сабабли бўшайдиган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси маблағлари Вазирлик ходимларини моддий рағбатлантириш учун йўналтирилади.

**34.** Вазирлик таркибий тузилмасига кирувчи ташкилотларни моддий-техник таъминлаш, шунингдек, уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш идоравий мансуб ташкилотларнинг хўжалик фаолиятидан тушадиган тушумлар ҳамда қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

**35.** Жамоа шартномаларида иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам кунларида ишлаган ҳамда қисман яроқсиз маҳсулотни ишлаб чиқкан ходимлар учун ҳақ тўлаш тартибини белгилайди (Ўз.МК нинг 157,158 ва 159 моддалари).

**36.** Ходимнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган, айбизз бекор туриб қолган вақтида унинг ўртача иш ҳақини сақланишини кафолатлайди (Ўз.Р. МК 165-166-167-моддалари ва Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-қарорининг 5-иловаси).

**37.** Ҳар ойда ҳисобланган иш ҳақи ва ушлаб қолинган солиқ ва бошқа мажбурий ушлаб қолинадиган тўловлар тўғрисида ходимларга ёзма ёки электрон шаклда хабар беради.

**38.** Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ қўшимча харажатларини қонун хужжатлари, жамоа шартномалари, шунингдек меҳнат шартномаларида белгиланган шартлар ва тартибида қоплайди (Ўз.МК 171, 172, 173 моддалар).

**39.** Жамоа шартномаларида ходимларни юқори иш кўрсаткичлари учун рағбатлантириш ҳамда давлат байрамлари ва юбилей саналари муносабати билан тақдирлаш тартиби ва миқдорлари меъёрий-хукуқий хужжатларга асосан белгиланади. (Ўз. МКнинг 180 моддаси).

**40.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартағи 88-сонли "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ва Ўзбекистон Меҳнат Кодексининг 154-моддасига мувофиқ иш ҳақини ўз вақтида тўлайди.

### **Меҳнат муҳофазаси соҳасида:**

Меҳнат жараённида инсоннинг ҳавфсизлиги, хаёти ва соғлиги, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир хукуқий, ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техниковий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизимини яратишга доир жавобгарлигини тан олиб, меҳнат

муҳофазаси ва хавфсизлигини устувор йўналишларидан бири деб хисоблаган ҳолда, Иш берувчи ўз зиммасига қуидаги мажбуриятларни олади:

41. Мехнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2019 - 2022 йиллар учун Дастурни қабул қилиб, бунда вазирлик, худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларида “яшил иш ўринлари”ни, яъни муносиб меҳнат шароитларини таъминловчи иш ўринларини яратади.

42. Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида”ги қонунига биноан, ходимни ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлигини Қонунда белгиланган шартлар асосида ва тартибда сугурта қиласди.

43. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига 14.08.1996 йил 272-сон ва 273-сон билан рўйхатга олинган “Мехнатни муҳофазаси бўйича ўқитиш ва билимларини текшириш ишларини ташкил этиш тўғрисида” ва “Мехнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида”ги намунавий Низомлари асосида ўз Низомларни тасдиқлаб, вазирлик, худудий бошқарма ва идоравий мансуб ташкилотларда меҳнат муҳофазасига доир ишларни ташкил этади ва молиялаштириш учун маблағ ажратади.

44. Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ёки касб касаллигига чалиниш натижасида вафот этганда марҳумнинг оиласига олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўлайди, ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганда эса унинг 1 йиллик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўлайди (Ўз.МК 194 модда).

45. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 2014 йил 15 сентябр “Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ти 263-сонли қарорига мувофиқ иш жойларини 5 йилда бир маротаба аттестациядан ўтказади.

46. Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича "Битим"ни ҳар йилга тузади ва уни бажарилиши учун зарур маблағ билан молиялаштиради, бунда ҳар бир ишчига сарфланадиган маблағ Республика кўрсаткичидан кам бўлмаслигини таъминлайди.

47. Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича “Битим”ни ҳар йилга тузади ва уни бажарилиши учун зарур маблағ билан молиялаштиради, бунда ҳар бир ишчига сарфланадиган маблағ Республика кўрсаткичидан кам бўлмаслигини таъминлайди.

48. Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича мухандис-техник ходимларни 3 йилда бир марта ўқитиб, шаходатлантиради. Заарли ва оғир шароитда ишлайдиган ишчиларни ҳар йили бир марта ўқитади ва шаходатдан ўтганларга ишлашга рухсат берувчи гувоҳномалар корхонанинг доимий ҳаракатдаги ҳайъати томонидан берилишини таъминлайди.

**49.** Автомобиль хайдовчилар учун 2 йилда бир маротаба 30 соатлик техминимум бўйича ўқиши ташкил қиласди.

**50.** Ходимларнинг экология жиҳатдан хавфсизлиги ва соғлиғи муҳофазасини таъминлайди (ЎзР. МК 52 модда).

**51.** Ходимларни соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини ташкил этиш учун амалдаги меъёрларга мувофиқ келадиган санитария-гигиена хоналари билан таъминлайди.

**52.** Саноат ёки ёнгин хавфсизлиги қоидаси ходимларнинг айисиз бузилиши оқибатида улар ишни тўхтатишга мажбур бўлган ҳолатларда, уларга иш тўхтатилган ҳар иш куни учун ўртача иш ҳакини тўлайди.

**53.** Ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофaza қилиш талаблари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофaza қилиш хизматини ташкил этади ёки меҳнатни муҳофaza қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозимини жорий этади.

Меҳнатни муҳофaza қилиш хизматининг вазифалари меҳнатни муҳофaza қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

**54.** Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофaza қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофaza қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қиласди.

**55.** Меҳнатни муҳофaza қилиш учун зарур бўлган маблағларни қонун хужжатларида, жамоа шартномасида белгиланадиган микдорда ажратади. Ходимларни ана шу мақсадлар учун бирор-бир чиқим қилдирмайди.

**56.** Меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), маҳсус кийим-бош, маҳсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминлайди.

**57.** Ходимларнинг меҳнатни муҳофaza қилиш бўйича йўл-йўриқлар олишини, меҳнатни муҳофaza қилиш масалалари бўйича ўкувдан, қайта тайёргарликдан ўтишини, малака оширишини ва билимлари текширилишини таъминлайди.

**58.** Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг ва умумий белгиланган пенсия ёшига етган шахсларнинг, ногиронларнинг, шунингдек бир қатор касблар ва ишлаб чиқаришлар ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклардан ўтказилишини ташкил этади. Тиббий кўриклардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмайдилар.

**59.** Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий сугурта қилиниши, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта қилинишини таъминлайди.

**60.** Барча ишга кираетган, шунингдек бошқа ишга ўтказилаёган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар берилиши, ишларни бажаришнинг ҳавфсиз услублари ва усувларини ўқитиш ишларини ташкил этади.

**61.** Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналардан фойдаланиш, технологик жараёнларни амалга ошириш чогида, шунингдек ишлаб чиқаришда хом ашё ва материалларни қўллаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш чоғида ходимларнинг ҳавфсизлигини таъминлайди.

**62.** Тегишли хизматларни ташкилий-услубий ҳамда зарур техник меъёрий қўлланмалар махсус адабиётлар, кўргазмали қуроллар, ташкилий техника асблори, ҳавфсизлик техникаси хоналари билан таъминлайди ва меҳнат шароитларидаң келиб чиқсан ҳолда, йиллик тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш учун маблағ ажратади.

**63.** “Меҳнат муҳофазаси ва ҳавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика қўрик-танлови”да қатнашади.

#### **Ижтимоий имтиёз ва кафолатлар тақдим этиш соҳасида:**

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, муносиб ҳаёт учун меҳнат қилиш шарт-шароитларини яратиб бериш мақсадида:

**64.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 24 майдаги 429-сонли қарорига мувофиқ бир йўла тўланадиган моддий ёрдам кўрсатади:

- а) ходимнинг 50, 60 ёшга тўлиши — икки лавозим маошигача;
- б) ходимнинг меҳнат пенсиясига чиқиши — икки лавозим маошигача;
- в) ходимнинг, шунингдек, унинг болаларининг турмуш қуриши — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваригача;
- г) моддий ёрдам — йилига бир лавозим маоши;
- д) ходимнинг яқин қариндошлари ёки ўзининг вафот этиши — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваригача.

Ходим вафот этган тақдирда моддий зарап (агар у ходим вафот этган йили бевосита ходимнинг ўзига берилмаган бўлса) турмуш ўртоғига тўланади, у йўқ бўлса ходим билан яшаган вояга етган болалари ёки қонуний вакилларига (васийлар, ҳомийларга) ёхуд вояга етмаган болаларни (ёшидан қатъи назар болалиқдан ногиронлиги бўлган шахслар) фарзандликка олганларга, шунингдек, ходимларнинг қарамогидаги шахсларга, ёки агар ходим турмуш қурмаган бўлса ва болалари бўлмаса тенг қисмда ота-онасига берилади;

- е) куз-қиши мавсумида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваригача;

ж) даволаш муассасаларига, дам олиш, санаторийлар, пансионатлар, туризм базалари ва болалар соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қийматининг қисман компенсацияси — улар қийматининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда.

Транспорт вазирининг қарори билан ходимларга бошқа турдаги шахсий ижтимоий рағбатлантириш амалга оширилиши мумкин.

**65.** Иш стажининг давомийлигидан қатъий назар вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида қуидагиларга тўлайди:

- ишлаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига;
- байналминал жангчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;
- қарамоғида 16 ёшга (ўкувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга;

-Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга;

-Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган, қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўтқир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсимталар билан боғлик касалликларга чалинган ходимларга;

- ядрополигонлари ва бошқа радиактив-ядро обьектларида хизмат ўтаган пенсия ёшидаги ногирон ходимларга;

- қасб касаллиги ёки ишлаб чиқаришда шикастланганлиги муносабати билан ишга қобилиятини вақтинча йўқотган ходимларга.

**66.** Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (сил касаллиги, онкология касалликлари, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар, жисмоний йўл билан ўтадиган касалликлар, руҳий касалликлар) бўйича ҳисобда турган ходимларга меҳнатга қобилиятсизлик варақаси умумий иш стажи даврига bogлиq равища – иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача тўлайди.

Бошқа ҳолларда умумий иш стажига қараб иш ҳақининг 60 фоизидан 80 фоизигача тўлайди.

**67.** Жамоа шартномаларида қуидаларга ижтимоий қўллаб қувватлаш чораларини белгилайди:

- ҳомиладор ва кўп болали аёлларга;
- 18 ёшга тўлмаган шахсларга;
- ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда ўқув муассасаларида ўқиб таълим олаётган ходимларга;
- кўп болали ва кам таъминланган оилалар вакилларига;
- уруш ва меҳнат фахрийларига.

**68.** Ходимларнинг қуидаги харажатларини қисман компенсация қилади:

- овқатланиш ҳаражатлари учун;
- жамоат транспортида юриш учун;
- кузги-қишики даврда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш учун.

**69.** Вазирлиқда узок йиллар ишлаб пенсияга чиққан ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оиласарга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳар йили Наврӯз ва Мустақиллик байрамлари арафасида мақсадли хайрия тадбирларини ўтказади.

**70.** Ҳар йили кам таъминланган ва кўп болали оиласар аъзолари, Чернобил АЭСдаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байнаминалчи жангчилар, ишилаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида хизматлари бор шахсларнинг маълум миқдорини Вазирлик ҳисобидан касаба ўюшмалари санаторийларида бепул соғломлаштиради.

**71.** Вазирлик касаба ўюшмаси қўмитаси билан биргаликда меҳнат жамоаси таркибини ўрганиб, кам таъминланган оиласарни рўйхатини тузади ва уларга тизимли моддий ёрдам ва кўмак беради, бунда ҳар бир оила аъзосига бир ойлик ўртача даромади Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меҳнатга хақ тўлашнинг энг кам миқдорини бир баробаридан кам бўлган оила – кам таъминланган оила деб ҳисобланишини белгиланиши мумкин.

**72.** Вазирлиқдаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оиласарнинг фарзандлари учун дарсликлар, ўқув куроллари харид қилиш ҳаражатларини 50 фоизини қоплади.

**73.** Кам таъминланган оиласарнинг фарзандлари учун болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмаларни қийматини 50 фоизини қоплади.

**74.** Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгacha тўлгунга қадар таътилда бўлган оналарга Давлат байрамлари арафасида республикада ўрнатилган базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробаридан кам бўлмаган миқдорида моддий ёрдам кўрсатади.

**75.** Боласи 16 ёшгacha бўлган оналарнинг иш ҳафтасини иш ҳақи сақланган ҳолда бир соатга қисқартиради.

#### **Аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолатлар тақдим этиш соҳасида:**

**76.** Халқаро Меҳнат Ташкилотининг қуидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлайди:

“Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенция;

“Тенг хақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;

“Оналики мухофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;

“Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция;

“Энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли Конвенция;

“Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида”ги 182-сонли Конвенция.

**77.** Жамоа шартномасида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-куватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутади, шу жумладан:

-ҳомиладорлик ва туғиши таътиллари кунини узайтириш;

-болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вактини ўрнатиши;

-ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, шунингдек касб-хунар таълими муассасаларининг бити्रувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиши.

**Маънавий-маърифий ишлар, жисмоний тарбияни оммалаштириш ишлари, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини согломлаштириш соҳасида:**

78. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини хар йили маданий дам олдиришни ва согломлаштиришни ташкил этади, жисмоний тарбия, ходимлар гимнастикаси ва спорт билан шуғулланишига шароит яратади.

79. Хар йили кам таъминланган ва кўп болали оиласлар аъзолари, Чернобил АЭСдаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналминалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида хизматлари бор шахсларнинг маълум миқдорини Вазирлик ҳисобидан касаба уюшмалари санаторийларида (тартибга асосан) бепул соғломлаштиради.

80. Болалар согломлаштириш оромгоҳларида “Меҳрибонлик” ўйлари тарбияланувчиларидан етим болаларни, шунингдек Оролбўйи минтақасида истиқомат қилувчи болаларни республиканинг экология жиҳатидан қулай минтақаларида согломлаштиришга кўмаклашади.

81. Вазирлик, худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимлари учун доимий равишда маънавият соатларини ўтказади, бунда Ўзбекистон Республикаси таниқли адабиёт ва санъат усталари, олимлар ва давлат арбоблари билан давра сұхбат ва учрашувлар ўтказади.

82. Ходимлар учун мамлакатимизнинг Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз каби тарихий шаҳарлар ва диққатга сazzовор жойларига саёҳатлар уюштиради.

**«Устоз – Шогирд» тизимини такомиллаштириш соҳасида:**

83. Коллеж бити्रувчилари учун иш жойларини яратади, уларга Вазирлик жамоа шартномаси ва бошқа локал актларида меҳнат муҳофазаси, иш ҳаки, иш вақти ва дам олиш вақтлари борасидаги барча ходимлар учун белгиланган имтиёз ва кафолатлар кўламини тақдим этади.

84. Коллеж бити्रувчилари ва амалиёт ўтувчи талабаларнинг малакасини ва иш тажрибасини ошириш мақсадида юқори малакасига эга бўлган мутахассисларни Устоз сифатида бириттиради.

**Хар йилда қабул қилинадиган Давлат дастурларини бажарилиши соҳасида:**

Ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, муносиб ҳаёт учун меҳнат қилиш шарт-шароитларини яратиб бериш мақсадида:

85. Ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиб, кам таъминланган ва имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган оилаларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-кувватлашнинг қонун хужжатларида кўзда тутилган чораларининг амалга оширилишини таъминлайди.

## II. “Касаба уюшмаси” мажбуриятлари

86. Ўз Уставига биноан мазкур Келишув ҳамда жамоа шартномалари билан белгиланган иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат муҳофазаси, иш ҳаки, унинг кафолатлари, ишга қабул қилиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш, бандлик ва бошқа ходимларни қонуний манфаатларини ҳимоясини амалга оширади.

87. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интозомини бажарилиши, ички меҳнат тартиби талабларига риоя қилиниши, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечилиши, ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши ва Вазирлик, худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларда нормал психологик ҳолатни ташкил этишига кўмаклашади;

88. Иш берувчилар билан муносабатларини ўрнатилган қонунлар, ўз Устави, жамоа шартномалари, мазкур Келишуви ҳамда ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида олиб боради.

89. Келишув бажарилишини жамоа шартномага киритилиши орқали амалга ошириб, меҳнат жамоасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интозомини мустаҳкамлашга ва вазирлик соғ фойдасини кўпайишига кўмаклашади.

90. Бандлик ва бандлик бўйича қонунларни бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

91. “Меҳнат муҳофазаси тўғрисида”, “Касаба уюшмалари, уларни ҳукуқи ва фаолияти тўғрисида кафолатлари” Қонунлари ва бошқа ходимларни манфаатларига таалуқли мёёрий норматив хужжатларни бажарилиши устидан жамоат назоратини амалга оширади.

92. Ходимлар ва уларни оила аъзоларини соғломлаштириш ва дам олдиришга кўмаклашади.

93. Иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив хужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўлланиши юзасидан келиб чиқсан келишмовчиликларни хал этиш мақсадида икки томонлама Якка меҳнат низолари комиссияси Иш берувчи ва касаба уюшма кўмитаси томонидан тенглик асосида тузади.

94. Меҳнат низолари комиссияси ўз фаолиятини қонун хужжатлари ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган (12.01.2015й. 20-66 сонли, 15.01. 2015й. 01-

СП сонли), Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари Вазирлиги билан келишилган тавсияларига асосан ишлаб чиқилган Низомга мувофиқ олиб боради.

**95.** Меҳнат шартномасини Иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимнома касаба уюшмаси қўмитасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11 сонли қарори билан тасдиқланган “касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимомаси кўриб чиқиш тартиби” асосида кўриб чиқишини таъминлайди.

**96.** Ходимларни меҳнат шароитларига тааллуқли меёрий локал ҳужжатларни ишлаб чиқишида фаол қатнашади.

**97.** Ходимларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлиқларини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишлари мақсадида спортнинг ҳар хил турлари бўйича мусобақалар ўтказади. Тармоқ терма жамоаларининг Республика биринчиликлари ва мусобақаларида қатнашишини таъминлайди.

**98.** Маданий-маърифий ва соғломлаштириш ишлари бўйича тадбирлар ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини таъминлайди.

**99.** Касаба уюшмаси ходимлари малакасини ошириш мақсадида меҳнат қонунчилиги, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси, меҳнат муҳофазасига доир ўқув семинарларни ташкил қиласиди ва ўтказади.

**100.** Янги ишга қабул қилинган ходимлар билан меҳнат қонунчилиги, бу борада уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, касаба уюшмасига аъзолик афзалликлари бўйича тушунтириш ишларини олиб боради.

**101.** Меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялар тузади ва уларнинг фаолияти устидан назоратни ўрнатади.

**102.** Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларни сайлаб, уларни ўқитади ва малакасини оширади, жамоа шартномаларига уларнинг фаолиятини самарасини оширадиган мажбуриятларни киритилишини таъминлайди.

**103.** Вазирлик, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар меҳнат муҳофазаси устидан энг яхши жамоат назоратни ташкиллаштириш бўйича Республика кўрик-танлов конкурсларида қатнашиши учун ташкилий ишларни амалга оширади.

**104.** Меҳнат бозорида тенглик асосида рақобат қилолмайдиган шаҳслар учун Вазирлик, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларда квоталаштирилган иш жойларни яратилиши устидан назоратни ўрнатади.

**105.** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси орқали Давлат бошқарув органларига меҳнаткашларни иш шароитига тааллуқли таклифлар киритади.

**106.** Мазкур Келишувни қуйи ташкилотларига етказади ва бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб боради.

### **III. Касаба уюшмаси фаолиятини кафолатлаш соҳасида**

**107.** Вазирлик раҳбари ўзгарганида, қайта ташкиллаштирилиш (кўшилиш, қайта ташкил топилиш) ҳолатларида касаба уюшмаси ўз фаолиятини қайта сайловгача давом эттиради. Фаолиятини давом эттирилиши мажлиси (конференцияси) баёни билан тасдиқланади.

**108.** Вазирлик касаба уюшма кўмитасининг йўлланма ходимларига жамоа шартномасида ходимлар учун белгиланган барча имтиёз ва кафолатлар (иш ҳаки, рагбатлантириш, устамалар ва бошқа кўшимча тўловлар) тақдим этилади.

#### **Вазирлик раҳбарияти қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**

**109.** Касаба уюшмаси фаолиятига кўмаклашади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан сайланма касаба уюшмаси ходимлари меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлайди. Ходимларни ижтимоий-иктисодий манфаатларига доир масалаларни ҳал этиш мақсадида касаба уюшма кўмитаси раисини Вазирликнинг коллегиал органи таркибида киритади.

**110.** Касаба уюшма кўмитаси фаолиятини амалга ошириш учун хизмат хонаси, мебел, алоқа воситалари, канцелярия моллари, ишда зарур бўладиган ахборот воситалари билан бепул таъминлайди, “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталарига обуна бўлишига кўмаклашади.

**111.** Ўзбекистон Республикаси томонидан 1997 йил 30 августида ратификация қилинган 135-сон Конвенциясига асосан меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллари ва комиссия аъзоларини ходимларнинг вакиллари деб эътироф этилишини ва уларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 25-моддасида кўзда тутилган кафолатларни қўлланилишини таъминлайди.

**112.** Касаба уюшмага вазирликнинг, ходимларнинг сони, ўртacha иш ҳаки, меҳнат муҳофазаси аҳволи тўғрисидаги маълумот, иш билан боғлик шикастланиш ва бошқа Т-1 статистик ҳисботи доирасидаги маълумотларни ҳамда жамоа шартномаси ва мазкур Келишув бажарилиши тўғрисида аниқ маълумотларни тақдим этади.

**113.**Ходимларнинг ёзма розилиги асосида иш ҳақидан 1,0 % миқдоридаги касаба уюшма аъзолик бадалларини марказлаштирилган ҳолда бухгалтерия орқали ушлаб қолиб касаба уюшмаси кўмитаси ҳисоб рақамига ўтказади.

**114.** Заруриятдан келиб чиқиб, меҳнат жамоаларида маданий – маърифий, жисмоний тарбия, спорт-соғломлаштириш ишларини амалга ошириш, моддий ёрдам ва ходимларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш чораларини кўриш учун Вазирлик ва унинг худудий бўлинмалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлари ходимларининг ҳаки фондининг 1,0 фоизи миқдоридаги маблағни касаба уюшмаси ҳисоб рақамига ўтказади.

#### **IV. Ижтимоий муроқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш соҳасида**

Тарафлар, ижтимоий-мехнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни маданий йўл билан ҳал этиш услуби ҳисобланган ижтимоий муроқот гоясига содиқлигини зълон қилиб, ўз зиммаларига қуидаги мажбуриятларни оладилар:

**115.** Долзарб ижтимоий иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмаси фаоллари ва иш берувчиларнинг вакиллари билан давра сухбатларини ташкил этиб бориш;

**116.** Касаба уюшманинг қонуний хуқуқларига риоя этиш, унинг қонун хужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилинишига йўл қўймаслик.

#### **V. Келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун тарафларнинг жавобгарлиги**

Мазкур келишув 2020-2022 йиллар учун тузилган бўлиб янгиси қабул килингунга қадар амалда бўлади. Келишув Вазирлик таркибига кирувчи касаба уюшмаси ташкилотини тузган барча ташкилотларига тъаллуқлидир.

**117.** Тарафлар мазкур Келишувни ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёsat олиб боришининг умумий принципларини белгилаб берувчи ижтимоий шерикликнинг асосий хужжати деб эътироф этадилар шу билан мазкур Келишувга амал қилиш, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

**118.** Келишув мажбуриятларини бузган ва бажармаганлиги учун мансабдор шаҳслар Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 34 моддаси ҳамда Маъмурий Кодексининг 49 моддаси билан ўрнатилган тартибда жавобгардирлар.

**119.** Келишув амал қилиш муддатида, мазкур Келишувга имзо чеккан Тарафлар якка тартибда Келишувни ўзgartириш ёки олинган мажбуриятларини тўхтатишига ҳақли эмас.

**120.** Мазкур Келишув билан ўрнатилган меъёр ва мажбуриятлар Вазирлик, худудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлари жамоа шартномаларига киритилиши орқали амалга оширилади, бунда жамоа шартномалари, кул куйилгандан кейин, бир ойидан кечиктирмай тузилади.

**121.** Тарафлар мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида қуидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

**а)** ижтимоий-мехнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Тарафларнинг манфаатларига тъаллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш;

**б)** ҳар йилнинг якуни бўйича Келишув бажарилишини ўрганиб томонларнинг қўшма мажлисида муҳокама қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш.

**122.** Мазкур Келишувга имзо чеккан Тарафларнинг ҳар бири унга аввал олинган мажбуриятлар бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар беришга ҳақлидир. Ушбу таклифлар Тарафларнинг ўзаро розилиги билан қабул қилиниши мумкин.

**123.** Мазкур Келишув бажарилиши устидан назоратни Тарафлар томонидан тасдиқланган икки томонлама комиссияси амалга оширади.


**124.** Томонлардан бирининг қайта ташкил этилиши ҳолатида Келишувнинг бажариш хуқуки ва мажбуриятлари унинг ўрнига ташкил этилган ворис ташкилотга ўтади ва янги Қелишув қабул қилингунгача ёки амалдаги Қелишувга қўшимча ва ўзгартериш киритилгунгача ўз кучини сақлаб қолади.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Транспорт вазири**



А.Ж.Раматов


**Ўзбекистон транспорт, йўл ва**  
**капитал қурилиш, қурилиш**  
**индустряси ходимлари касаба**  
**уюшмаси Республика Кенгаши**  
**раиси**



А.К.Нугманов

**Келишилди:**

Вазирнинг биринчи ўринбосари



(имзо)

И.Махкамов


Вазир ўринбосари



(имзо)

Д.Деканов


Прогнозлаштириш, транспорт ва  
логистикани ривожлантириш  
департаменти



(имзо)

Ф.Иргашев


Автомобиль ва дарё транспортини  
ривожлантириш департаменти



(имзо)

Р.Рузметов


Темир йўл транспортини  
ривожлантириш департаменти



(имзо)

А.Ахмедов


Хаво транспортини ривожлантириш  
департаменти



(имзо)

У.Бекташев


Юридик бошқарма бошлиги



(имзо)

С.Гафаров


Иқтисодиёт ва тариф-нарх  
сиёсати бошқармаси бошлиги



(имзо)

Ж.Юсубов


Бош ҳисобчи



(имзо)

С.Шасалимов

Ходимлар билан ишлаш бошқармаси  
бошлиғи ўринбосари



(имзо)

У.Хайдарова